

2-1-2019

The factors effecting net actives of investment funds.

A.U. Burkhanov

Tashkent State University of Economics, Uzbekistan, 100066, Tashkent, Islom Karimov street, 49,
Burkhanov.a.u@yandex.ru

H.H Hudoykulov

B.O. Tursunov

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot>

Recommended Citation

Burkhanov, A.U.; Hudoykulov, H.H; and Tursunov, B.O. (2019) "The factors effecting net actives of investment funds.," *Economics and Innovative Technologies*: Vol. 2019 : No. 2 , Article 6.
Available at: <https://uzjournals.edu.uz/iqtisodiyot/vol2019/iss2/6>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Economics and Innovative Technologies by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

ИНВЕСТИЦИЯ ФОНДЛАРИ СОФ АКТИВЛАРИГА ТАЪСИР ЭТУВЧИ ОМИЛЛАР

**Бурханов Ақтам Усманович,
ТДИУ профессори, и.ф.д.**

E-mail: Burkhanov.a.u@yandex.ru

**Худойқулов Хуршид Хуррамович,
ТДИУ доценти, и.ф.ф.д. (PhD)**

**Турсунов Бобир Ортиқмирзаевич,
ТДИУ таянч докторанти**

Аннотация: Мақолада инвестиция фондларининг илмий-назарий жиҳатлари тадқиқ қилинган ва жаҳон инвестиция фондларининг активлар динамикаси таҳлил қилинган. Шунингдек, жаҳон инвестиция фондлари соф активларига таъсир этувчи омиллар даражалари аниқланган ва тегишли хулосалар шакллантирилган.

Калит сўзлар: инвестиция фонди, пул маблағлари, актив, инвестор, акция, омил.

Аннотация: В статье исследованы научно-теоретические аспекты инвестиционного фонда и анализирована динамика фондовых активов всемирной инвестиции. Кроме того, определены уровни факторов влияющих чистых активов инвестиционного фонда и выработаны соответствующие заключения.

Ключевые слова: инвестиционный фонд, денежные средства, актив, инвестор, акция, фактор.

Abstract: In the article have been examined the scientific and theoretical aspects of the investment fund and was analyzed the dynamics of the stock assets of the world investment. In addition, the levels of factors influencing the net assets of the investment fund were determined and the corresponding conclusions were drawn up.

Keywords: investment fund, cash, asset, investor, share, factor.

Кириш

Маълумки, инвестиция фондлари фаолиятининг мақсади – фойда олиш мақсадида, юридик ва жисмоний шахсларнинг бўш пул маблағларини жалб қилиш ҳамда уларни қимматли қоғозларга, бошқа инвестиция активларига, шунингдек, банк ҳисобварақларига ва омонатларига жойлаштиришдан иборатдир.

Ривожланган давлатлар амалиётига кўра, инвестиция фондларининг тараққиёти молия бозорини ривожланишига ва шу асосда мамлакат иқтисодий ўсишига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Шу сабабли, мамлакатимизда ҳам инвестиция фондлари фаолиятини ривожлантириш мақсадида, 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида [1], аҳолининг бўш пул маблағларини иқтисодиётнинг реал секторига жалб қилиш мақсадида корхоналар томонидан чиқарилган қимматли қоғозларни сотиб олишни рағбатлантириш, хусусан, жисмоний шахсларнинг қимматли қоғозларни сотиб олишга йўналтирилган маблағларини даромад солиғидан озод этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш, вазифаси қўйилган.

Шунингдек, 2019 йилда мамлакатимизни ривожлантиришнинг энг муҳим устувор вазифалари тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Парламентга Мурожаатномасида мамлакатимизда молия бозорлари, жумладан, фонд бозорини ривожлантириш янги иқтисодий шароитда асосий мақсадларимиздан

бири бўлиши кераклиги белгилаб берилди [2].

Ҳозирги кунда мамлакатимиз инвестиция фондларини ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган бир қатор муаммолар мавжуд, жумладан, қимматли қоғозлар бозорида инвестиция фондлари сонининг камлиги, инвестиция фондлари фаолиятини тартибга солиш бўйича меъёрий-ҳуқуқий асосларнинг такомиллашмаганлиги, мамлакатимизда фаолият юритаётган акциядорлик жамиятлари устав фондига қўйилган талабларни юқорилиги, инвестиция фондларининг акциялар сони ва соф активлари миқдори камлиги шулар жумласидандир.

Юқоридаги муаммоларни бартараф этиш, мамлакатимизда инвестиция фондларини молия бозорида фаол иштирокини таъминлаш, уларни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш ва қўллаб-қувватлаш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Иқтисодий адабиётларда инвестиция фондлари, унинг иқтисодиётдаги аҳамияти ва ривожланиш тенденцияларига оид бир қатор илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган.

Айрим иқтисодчи олимларнинг тадқиқотларига кўра, инвестиция фондлари – бу инвестициялар ҳақида энг яхши билимга эга бўлган ва истеъдодли, йирик инвесторлар билан тўлган, профессионал инвестициялар бозорида оқилona нархларда иштирок этиш имкониятидир. Бунда инвестициялаш жараёнидан қониқиш ҳосил қилиш ва қизиқарли бўлиши учун иштирокчилар жиддий иш қилаётганини ҳис қилишлари лозим [3].

Россиялик иқтисодчи олим, профессор Е.А. Абрамов инвесторлар учун ўзаро фондларнинг асосий фойдали жиҳатларини қуйидагича ифодалайди [4]:

- инвестиция портфели бошқарувини профессионалларга ўтказиш ва рискни ҳисобга олган ҳолда даромадни камайтирмасдан шахсий вақтни тежаш;
- инвестиция портфелининг даромадлилик ва риск даражасини яхшилаш имконини берувчи, инвестицияларни диверсификация қилиш самарадорлигига эришиш имконияти;
- инвестиция активлари доирасини кенгайтириш мақсадида, кичик хусусий инвесторлар маблағларини тежаш;
- бизнес масштаби самарасини ҳисобга олиб, инвестор томонидан тўланадиган харажатларни (биржа ва брокерлик комиссиялари, таҳлилий харажатлар ва бошқалар) тежаш;
- акциядорлар (пайчилар)нинг манфаатларини инвестицион бошқарувчилар, депозитарийлар ва бошқа молиявий воситачиларнинг адолатсиз ҳаракатларидан ҳимоя қилиш учун самарали воситалар мавжудлиги.

Шунингдек, муаллиф инвестиция фондларини ривожлантиришга таъсир қиладиган омилларни регрессия моделини тузиб, қуйидаги гуруҳларга бўлади [4]:

- уй хўжалиги фаровонлиги ва унинг мамлакат ялпи миллий маҳсулотдаги улушини ошириш чоралари. Уй хўжаликларининг даромадлари қанчалик кам бўлса, уларнинг фондларга инвестициялаш имконияти камаяди. Иқтисодиёти ривожланаётган давлатларнинг муаммолари шундаки, йил давомида яратилган ялпи маҳсулот тақсимланганда асосий даромад давлат бюджети шаклида ва олтин-валюта захиралари ҳамда йирик давлат компаниялари томонидан тўпланади;

- мамлакатдаги қимматли қоғозлар ва кўчмас мулк бозорларидаги капиталлашув ва ликвидлиқнинг ўсиши. Молиявий активлар ва кўчмас мулкнинг қийматини ошириш ўз портфели қийматининг пасайиши ва янги иштирокчилар маблағларининг оқими ҳисобига инвестицион фондларнинг ўсишини таъминлайди. Активлар баҳосининг пасайиши портфелларнинг қадрсизланиши ва иштирокчиларнинг ўзаро фондлардан чиқиб кетишига олиб келади;

- мамлакатда пенсия фондлари ва суғурта ташкилотларининг ривожланиш даражаси. Пенсия фондлари ва суғурта ташкилотлари инвестиция фондларида ўз захираларини жалб қиладилар. Пенсия фондлари ва ҳаёт суғуртаси компанияларининг захиралари бўйича аҳоли жамғармаларининг кўпайиши инвестиция фондлари активларининг ўсиши демакдир;

- капитал бозори, шу жумладан, инвестиция фондларини у ёки бу сегментларининг ривожланиши нуқтаи назаридан давлат ва хусусий бизнес сиёсатининг самарадорлиги. Европа Иттифоқи мамлакатлари интеграцияси – ягона Европа валютасига ўтиш, инвестиция фондларини рўйхатга олиш ва фаолият юритиш қоидаларини соддалаштириш, Европа Иттифоқи давлатларининг ички фонд бозорлари учун чет эл фондларидан фойдаланишни эркинлаштириш – Европа фондларида маблағлар ўсишини тезлаштиришга ёрдам беради ва уларнинг рақобатбардошлигини оширади. Ўзаро фондларга давлат сиёсатининг ижобий таъсирига мисол сифатида Люксембург, Ирландия ва Гонконг каби давлатларда Халқаро молия марказларининг ташкил этилиши, инвестиция фондларининг ривожланиш даражаси нисбатан юқори бўлган давлатларга айланганлигини келтириш мумкин;

- инвестицион-молиявий маҳсулотлар сотиш ва маркетинг учун қулай муҳит яратиш, хусусий инвесторлар томонидан эркин ва оқилона инвестицион қарорлар қабул қилиш имконини беради;

- аҳолининг молиявий саводхонлигини ошириш ва патернализмдан чиқиш имконини беради.

Р. Тьюлз [5] раҳбарлигидаги хорижлик иқтисодчи олимлар жамоаси тадқиқотларига кўра, инвесторлар ўзаро фондлардаги акцияларни сотиб олгандан сўнг, уларнинг трансфер агенти янги акцияларни чиқаради, уларнинг баҳоси акцияларнинг соф активлари жорий қиймати ва сотиш учун олинadиган комиссия суммаси билан белгиланади. Агар акциялар эгаси уларни сотиб олиш учун тақдим этса, трансфер агенти унга тушган соф активларнинг қийматини тўлайди ва акцияларни бекор қиладди.

Инвестицион фондлар акциялари инвесторларга уларга тегишли бўлган ёки унинг қийматига мос келадиган соф активлар қийматида қўшимча ҳақ билан тақдиф этилади.

А.Р. Алиев фикрича [6, с.103], инвестиция фонди очиқ турдаги Акциядорлик жамияти ҳисобланиб, унинг фаолият предмети қимматли қоғозларга, кўчмас мулкка ёки кўчмас мулк ҳуқуқига инвестиция қилишдир. Инвестиция фондининг инвестицион декларацияси – унинг асосий ҳужжати ҳисобланиб, унда инвестиция фондининг асосий йўналишлари, фаолиятининг имкониятлари ва мақсади, қимматли қоғозлар ва кўчмас мулкка жалб қилиниши мумкин бўлган мулкдаги улушининг максимал ва минимал имкониятлари кўрсатилади.

Инвестицион фондларнинг актив ва пассивлари қиймати ҳисоб-китоби нафақат фонд фаолиятининг натижаларини баҳолаш мақсадида, балки бошқарувчини

мукофот ҳажмини аниқлаш, унинг фаолияти тўғрисидаги маълумотларни очиш ва тақдим этиш учун амалга оширилади [6, с.104]. Масалан, бошқарувчининг йиллик мукофот ҳажми фонд пасивларини чиқарилгандан кейин йиллик ўртача активлар қийматидан 5% ошмаслиги керак [6, с.104].

Иқтисодчи олим В.М. Аскинадзининг хулосасига кўра [7], инвестиция фондлари фақат акциядорлик инвестиция фондлари ва ёпиқ пай инвестиция фондлари бўлиши мумкин ва улар тўғридан-тўғри инвестиция фондлари, ипотека фондлари, венчур фондлари, ижара фондлари, кўчмас мулк ва кредит фондларига тегишли категориядир.

Инвестиция фондлари фақат акциядорлик инвестиция фондлари ва ёпиқ пай инвестиция фондлари бўлиши мумкин ва улар хедж фондлар ва товар бозори фондлари тоифаларига тегишли бўлиши мумкин [7].

Ўзбекистонлик иқтисодчи олим М.Б. Султонбоева тадқиқотларида инвестиция фондининг фаолияти қуйидаги муносабатларни қамраб олишини асослаб беради:

- инвесторларнинг пул маблағлари ва бошқа мулкларини жалб этиш;
- инвесторлар мулкни ягона мулк мажмуи (фонд)да бирлаштириш ва тасарруфини инвестиция фондининг ўзига ёки ихтисослашган бошқарув компаниясига бериш;

- инвестициядан олинadиган даромад (дивиденд, фоиз ва бошқ.) кўринишида ёки инвестиция объектларини қайта сотишдан фойда олиш мақсадида фонд маблағларини, диверсификация тамойилига амал қилган ҳолда, қимматли қоғозлар ва бошқа инвестиция объектларига жойлаштириш [8].

Юқоридаги таҳлиллардан кўриниб турибдики, инвестиция фондлари инвестиция стратегияси ва объектига, инвесторлар танловига кўра, шунингдек, турли мамлакатлар меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларидаги фарқлар ҳисобига турлича ўзига хос хусусиятларга эга бўлади. Инвесторлар учун ўз қўйилмаларининг афзалликларини ва таваккалчилик даражасини кўрсатиш мақсадида инвестиция фондларини турли хусусиятлар бўйича таснифлаш муҳим ҳисобланади. Шунингдек, инвестиция фондларини таснифлаш инвесторлар ҳуқуқлари ва хатарли қўйилмалар, даромадлилик, инвестиция фаолиятининг мақсади юзасидан тажрибасиз инвесторлар учун шаффофликни оширади.

Тадқиқот методологияси

Мақолада таҳлил жараёнида маълумотларни статистик гуруҳлаш, қиёсий ва трендли таҳлил усулларида фойдаланилди. Иқтисодчи олимларнинг инвестиция фондлари ва уларни ривожлантиришга қаратилган илмий-назарий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган. Шунингдек, жаҳон инвестиция фондлари соф активларига таъсир этувчи омиллар танлаб олиниб, таҳлил даври 2010-2017 йилларни қамраб олган ҳолда кўп омилли регрессион OLS усулидан фойдалиб эконометрик таҳлил амалга оширилган.

Таҳлил ва натижалар

Таҳлиллар кўрсатишича, 2008 йилда халқаро тартибга солинадиган инвестиция фондлари соф активлари 2007 йилга нисбатан кескин пасайган. Бу ҳолат глобал молиявий инқирози оқибатида юзага келди. Хусусан, 2008 йилда жаҳон инвестиция фондлари соф активлари 2007 йилга нисбатан 27,6 фоизга камайган. Бунда энг катта пасайиш (44,6 фоиз) Осиё ва Тинч океани давлатлари инвестиция фондлари ҳиссасига тўғри келган. Шунга қарамай, 2009 йилда тартибга солинадиган инвестиция фондлари активларида ўсиш кузатилди. 2008-2017 йиллар мобайнида халқаро ўзаро

инвестиция фондлари таҳлили шуни кўрсатдики, Осиё ва Тинч океанида тартибга солинадиган инвестиция фондлари активлари дунёнинг бошқа минтақаларига нисбатан жадал суръатларда ўсган (218,7%) (1-жадвал).

2017 йилга келиб жаҳондаги барча тартибга солинадиган инвестиция фондларининг активлари қарийб 49,3 трлн. АҚШ долларини ташкил этган. Шундан, 50,5 фоизи Америка, 36,0 фоизи Европа давлатлари, 13,5 фоизи Осиё ва Африка давлатлари ҳиссасига тўғри келган. АҚШ ўзининг 22,1 трлн. АҚШ доллари миқдоридagi активлари билан умумжаҳон тартибга солинадиган инвестиция фондлари таркибида етакчи салмоқни сақлаб қолган (1-жадвал).

1-жадвал

Жаҳондаги тартибга солинадиган очиқ ва ёпиқ турдаги инвестиция фондларининг ялпи соф активлари динамикаси, млрд. АҚШ доллари, йил охирига

Жаҳондаги қитъалар ва мамлакатлар	Йиллар										2017/ 2008 ўзгариш, % ҳисобида
	2008	2009	2010	2011	2012	2013	2014	2015	2016	2017	
Бутун дунё	20631,0	25088,9	27374,4	26578,6	32252,4	36351,9	38031,61	38190,1	40556,5	49296,9	+138,9
Америка қитъаси	11130,3	13355,4	14591,5	14583,2	16486,4	18862,4	20007,8	19557,6	21093,0	24880,3	+123,5
Шу жумладан, АҚШ	10151,9	11889,7	12825,4	12680,5	14391,6	16723,7	17847,9	17752,7	18868,1	22147,1	+118,2
Европа	7393,8	8912,1	9573,9	8949,1	11929,1	11929,1	13804,5	13740,2	14119,4	17742,2	+140,0
Шу жумладан, Люксембург	2042,3	2538,9	2799,0	2587,1	3145,2	3606,8	3757,6	3817,2	3901,3	4988,6	+144,36
Осиё ва Тинч океани	2037,5	2715,2	3067,3	2921,3	3691,6	3744,9	4072,8	5008,3	5198,3	6492,5	+ 218,7
Африка	69,4	106,3	141,6	125,0	145,1	142,9	146,5	122,1	145,8	181,8	+162,0

Манба: 2018 Investment Company Factbook. - p. 272 (www.icifactbook.org) маълумотлари асосида муаллиф томонидан тузилган.

Тадқиқотимизда жаҳондаги очиқ ва ёпиқ инвестиция фондларининг соф активларига таъсир қилувчи омиллар ҳисобланган активлари акциядан иборат инвестиция фонди, активлари облигациялардан ташкил топган инвестиция фонди, активлари валютадан ташкил топган инвестиция фонди ва активлари аралаш ҳисобланган инвестиция фондларининг жаҳондаги жами инвестиция фондларини соф активларига таъсирини кўп омилли регрессион модель орқали эконометрик таҳлили амалга оширилди.

Тадқиқотимиздаги эконометрик таҳлил (time series) вақтлар қатори маълумотлари асосида таҳлил қилинди. Маълумотлар оралиғи 2010-2017 йилларни ташкил қилиб, кўп омилли регрессия таҳлили амалга оширилди.

Тадқиқотдан мақсад жаҳондаги инвестиция фондларининг соф активларини ўсиши ёки камайишига таъсир қилувчи омилларнинг таъсир даражасини аниқлаш ҳисобланади. Жумладан, илмий изланишимизда эркин ўзгарувчи сифатида дунёдаги очиқ ва ёпиқ инвестиция фондларининг соф активлари қиймати ҳисобланади. Эркин ўзгарувчи сифатида эса, активлари акциядан ташкил топган инвестиция фондларини соф активлари қиймати, активлари облигациядан ташкил топган инвестиция фондларини соф активлари қиймати, активлари валютада ташкил топган инвестиция фондларини соф активлари қиймати ва активлари аралаш ҳисобланган инвестиция фондларининг соф активлари қиймати ҳисобланади. Ушбу эркин ва эркин

ўзгарувчиларни инобатга олган ҳолда, қуйидаги содда математик формула кўринишида ифодалаймиз.

$$TNAF = F(MF, BF, MF, EF) \quad (1)$$

Бу ерда,

TNAF (Total net asset close-end funds) – очиқ ва ёпиқ инвестиция фондларининг соф активлар қиймати;

MF (Money funds) – активлари валютада бўлган инвестиция фондларининг соф активлар қиймати;

BF (Bond Funds) – активларини облигацияда бўлган инвестиция фондларининг соф активлар қиймати;

MF (Mixed funds) – активларида акция, облигация ва валютада бўлган инвестиция фондларининг соф активлар қиймати;

EF (Equity funds) – активлари акциядан иборат бўлган инвестиция фондларининг соф активлар қиймати.

Математик функцияни шаклантирганимиздан сўнг, танланган ўзгарувчиларининг таъсири даражасини ўрганишимиз учун энг кичик квадратлар (Ordinary least squares) усулидан фойдаланган ҳолда кўп омилли эконометрик модель асосида таҳлил қиламиз. Ушбу таҳлилни амалга оширишимиз учун ҳозирги кунда эконометрик таҳлилда кенг қўлланилаётган “Eviews 9” дастуридан фойдаланамиз. Мазкур дастур асосида кўп омилли регрессион OLS усулидан фойдаланган ҳолда 2-жадвал кўринишига эга бўлди (2-жадвал).

2-жадвал

Жаҳондаги инвестиция фондларини соф активга таъсир қилувчи омилларнинг таъсири OLS усулида таҳлили

Эркисиз ўзгарувчи	Дунёдаги инвестиция фондларининг соф активлари қиймати (TNAF)			
Кузатувлар сони 8 та (2010-2017 йилларни ўз ичига олади)				
Эркин ўзгарувчилар	Коэффициентлар	Стандарт хатолик	t-статистик	Эҳтимоллик
BF(Bond Funds)	1.030925	0.149235	6.908060	0.0062
EF(Equity Funds)	0.924406	0.085008	10.87429	0.0017
MF (Money Funds)	0.987279	0.160930	6.134840	0.0087
MF(Mixed Funds)	1.150571	0.250234	4.597980	0.0193
(c) constant	0.248535	0.751737	0.330614	0.7627
Қолдиқлар квадрати	0.999893		Эркисиз ўзг. ўрт. арифм.	36.51250
Ўзгарган қолдиқлар квадрати	0.999749		Эркисиз ўзг. станд. четланиши	6.834040
Регр. станд. Хатолиги	0.108198		Акаике мезони	-1.340544
Қолд. квадр. Йиғиндиси	0.035120		Шварц мезони	-1.290893
Логариф. ҳақ. Яқинлик	10.36218		Ханнан-Квин мезони	-1.675420
F-статистика	6980.893		Дарбин-Уотсон мезони	2.671495
Эҳтимоллик (F-стат.)	0.000003			

Қавслар ичидаги кўрсаткичлар стандарт хатолик Р-қийматдаги, ***P<0,01, **P<0,05, *P<0,1

2-жадвалдаги маълумотлар таҳлилидан кўриниб турибдики, қолдиқлар квадрати бирга яқин бўлиб, танлаган омиллар инвестиция фондларининг соф

активларга таъсирини 99,9 фоиз ифода эта олади. Бошқа омиллар ўзгармаган ҳолда (*ceteris paribus*) биз танлаган омиллар яъни эркили ўзгарувчи омиллар ҳисобланган BF (Bond Funds), EF (Equity Funds), MF (Money Funds) ва MF (Mixed Funds) инвестиция фондларининг соф активларини қиймати дунё инвестиция фондларининг соф активлари қийматини таъсири даражаси 99,9 фоизни ташкил этади. Бундан ташқари, эркили ўзгарувчиларининг коэффицентлари Р-қиймати 5 фоиздан кичик эканлигини кўришимиз мумкин. Ушбу кўрсаткич шуни англатадики, танлаган таъсир қилувчи омилларнинг таъсирининг ишончилиги 95 фоиз таъсир қилишини кўрсатади.

T-статистика мезонига асосан, $H_0: a_1=0$, $H_1: a_1 \neq 0$ мезон асосида гипотеза тестларини амалга оширилганида, тест натижаларига кўра танланган эркили ўзгарувчилар статистик муҳим эканлигини кўрсатди. F-статистика шуни кўрсатадики, танланган тўртта омиллар дунёдаги инвестиция фондларининг соф активларига таъсири даражаси 99 фоизни ташкил этади. Эконометриканинг гипотеза асосида текшириш натижасида, дунёдаги инвестиция фондларининг активлари қийматига, активлари облигациялардан ташкил топган инвестиция фондлари, акциялар фондлари, валютадаги фондлар ва аралаш ташкил этилган фондлар активлари қийматини тўғридан-тўғри таъсир қилишини кўп омилли регрессион модель ёрдамида аниқланди. Ушбу кўп омилли регрессион моделни қуйидаги кўринишда акс этирилди.

$$TNAF_{it}=0.248535+1.030925*Bond_funds_{it}+0.924406*Equity_funds_{it}+ \\ 0.987279*Money_funds_{it}+ 1.150571*Mixed_funds_{it}+ e_{it} \quad (2)$$

Эконометрик таҳлил шуни кўрсатдики, танлаган омилларнинг коэффиценти статистик аҳамиятли деб топилди. Чунки, Р-қийматини эҳтимоллиги 5 фоиздан кичик бўлиб, коэффицентларнинг ишончилиги 95 фоизни ташкил этади. Шундан келиб чиққан ҳолда, юқоридаги кўп омилли регрессион моделни интерпретация қилсак, активлари облигациялардан ташкил топган инвестиция фондининг соф активи қиймати 1 триллион долларга ошса, дунёдаги инвестиция фондларининг соф активларининг қиймати 1,03 триллион долларга ошишига, активлари аралаш бўлган инвестиция фондларининг соф активлари қиймати 1 триллионга ошса эса, дунёдаги инвестиция фондларининг соф активларининг қиймати 1,15 триллион АҚШ долларга ошишига олиб келишини кўрсатади. Активлари акциялардан ташкил топган инвестиция фондларининг соф активлари 1 триллион АҚШ долларга ошса, жаҳондаги инвестиция фондларининг соф активлари 0,98 триллион АҚШ долларга ошишига, валютадаги инвестиция фондларининг соф активларининг 1 триллион АҚШ долларга ошиши эса, дунёдаги соф активларининг 0,98 триллион АҚШ долларга ошишига олиб келади.

Хулоса ва таклифлар

Таҳлиллардан келиб чиққан ҳолда қуйидаги хулоса ва таклифлар шакллантирилди:

1. Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантириш учун аҳоли ва хўжалик юритувчи субъектларни бўш пул маблағларини миллий иқтисодиётга жалб қилишни рағбатлантириш ҳамда жаҳон молия бозорига интеграциялашувни таъминлашда инвестиция фондлари фаолиятини меъёрий-ҳуқуқий базасини такомиллаштириш

лозим.

Хусусан, ҳозирги кунга қадар инвестиция фонди ҳисобланган пай фондларини ташкил этиш ва фаолиятини йўлга қўйиш бўйича мамлакатимизда қонуности ҳужжатларини ишлаб чиқилмаганлиги, уларни молия бозорида фаолият юритишига тўсқинлик қилмоқда. Ушбу меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва жорий этиш инвестиция фондлари соф активларини ошишининг асосий омилларидан бири ҳисобланади.

2. Жаҳондаги инвестиция фондларининг соф активлари ўсишига энг асосий таъсир кўрсатувчи омил қарз бозорининг ўзгариши эканлигини инобатга олиб, инвестиция фондлари портфелини диверсификация қилиш мақсадида портфелдаги облигациялар улушини камайтириш мақсадга мувофиқ.

3. Ўзбекистондаги инвестиция фондларини соф активларини ошириш учун инвестиция фондларини портфелида юридик шахсларни улушини кўпайтириш мақсадга мувофиқ. Юридик шахсларни иштирокидаги акциялар сони кўпайиши инвестиция фондларини соф активларини қийматини ошишига имкон яратади.

4. Инвестиция фондларининг портфели акция ва валюта асосида шаклланган молиявий инструментлар бўлса, ушбу инструментларнинг бозор қийматини бир фоизга ўзгариши инвестиция фондларининг соф активларини ўн беш фоизга ўзгаришига олиб келади.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сонли фармони. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида//Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. – Тошкент, 2017. – № 6 (766). – 32-б.

2. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожаатномаси // Халқ сўзи, <http://xs.uz>, 2018 йил, 28 декабрь.

3. Экономика инвестиционных фондов: монография / А.Е. Абрамов, К.С. Акшенцева, М.И. Чернова, Д.А. Логинова, Д.В. Новиков, А.Д. Радыгин, Ю. В. Сивай; под общ. ред. А.Д. Радыгина. — М.: Издательский дом «Дело» РАНХиГС, 2015. —С.18.

4. Абрамов Е.А. Институциональные инвесторы в мире: особенности в деятельности и политика развития. В 2 кн. Кн.1. —М.: Дело, 2014. —с.63-76.

5. Тьюлз Р., Брэдли Э., Тьюлз Т. Фондовый рынок. -6-еизд.: Пер.с англ. - М.:ИНФРА-М, 2000. -с.474-475.

6. Алиев А.Р. Рынок ценных бумаг в России. Учебное пособие. —М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2017. —с.103.

7. Аскинадзи В.М. Коллективные и венчурные инвестиции. Учеб.пос. —М.: Изд.центр. ЕАОИ, 2011. —с.46.

8. Султонбоева М.Б. Ўзбекистонда инвестиция фондларини ривожлантиришнинг концептуал жиҳатлари. Иқ.фан.док. (DSc) дисс. автор. —Тошкент: 2018. —б.14-15.

9. 2018 Investment Company Factbook (www.icifactbook.org).